Иқтисодий–ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

N 38 (375) • 2012 йил 25 сентябрь

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

2012 йил 21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига доир масалани кўриб чиқдилар.

Мажлисда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети 2012 йилнинг биринчи ярмида Олий Мажлис маъқуллаган параметрларга мувофиқ, шунингдек, жорий йилнинг 19 январь куни ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2012 йилга мўлжалланган дастуридаги энг муҳим устуворликларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда амалга ошириш туфайли ижро этилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди, ЯИМ ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди.

Натижада Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция прогнозда назарда тутилган даражада сақлаб қолинди.

Саноат тармоқларидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг ставкаси 6 фоиздан 5 фоизгача туширилганлигига қарамай, 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг худди шу даврига таққослаганда солиқнинг ушбу тури бўйича бюджетга тушум 29,1 фоизга кўпайган, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган қуйи солиқ ставкаси камайтирилганлигига қарамай, ҳисобот даврида ўтган йилнинг худди шу даврига қиёслаганда тушумлар 21,3 фоизга кўпайган.

Умуман олганда, Давлат бюджетининг даромад қисми 100,2 фоиз қилиб бажарилган.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганига кўра, Давлат бюджетининг харажатлари ижтимоий йўналтирилганлик хусусиятига эга бўлиб, улар биринчи навбатдаги тўловларни ўз вақтида молиялаштириш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар учун ажратилган. Хусусан, бюджет харажатларининг 59,6 фоизи ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, 9,6 фоизи иқтисодиётга, 4,4 фоизи марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга, 2,9 фоизи давлат ҳокимияти, бошқаруви органлари ва судларнинг таъминотига йўналтирилган.

Мажлисда эришилган натижалар билан бир қаторда ҳанузгача ўз ечимини топмаган масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Чунончи, депутатларнинг фикрига кўра, ҳисобот даврида айрим корхоналарда зиёнига ишлаш ва фойда ҳажмларининг камайишига йўл қўйилган, бир қатор бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатилмаганлиги, бюджет ва тўлов интизоми бузилганлиги ҳоллари мавжуд, шунингдек, маблағлардан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга ҳам йўл қўйилган.

Депутатлар бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш зарурлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар баён қилдилар. Ҳукуматга бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларга, хусусан, солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича боқимандаликка, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинди.

Муҳокама давомида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Қонунчилик палатаси ахборот хизмати материали асосида тайёрланди.

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2012 йил 6–21 сентябрь даврида қабул қилинган, тақдим этилаётган, шунингдек бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

1 ОКТЯБРДАН ЯНГИ ТИФ ТОВАР НОМЕНКЛАТУРАСИ АМАЛГА КИРИТИЛАДИ

Президентнинг "Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишга доир чора-тадбирларни давом эттириш тўғрисида"ги *(10.09.2012 йилдаги ПҚ–1816-сон)* **қарори** билан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатурасини жаҳон амалиётида қўлланилаётган Товарларни таърифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизими *(2012 йилги версия)* билан унификация қилиш мақсадида ***2012 йилнинг 1 октябридан бошлаб*** янгиланган таърифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизими негизида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси *(2012 йилги версия)* амалга киритилиши белгиланди. Қарорда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 1 октябригача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Товар номенклатураси *(2012 йилги версия)* чоп этилиши ҳамда манфаатдор ташкилотларга етказилишини таъминлаш топширилган.

ИЛМИЙ ХОДИМЛАР ИШ ҲАҚИ 2,5 БАРАВАРДАН КЎПРОҚ ОШИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қарори ***(АВ томонидан 10.09.2012 йилда 2388-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** **билан Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига** *(ВМнинг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган)* **ўзгартиришлар киритилди.** Чунончи, институт директори, профессорнинг лавозим маоши 416 030 сўмдан 1 118 449 сўмгача, кичик илмий ходим (фан номзоди)нинг лавозим маоши – 293 266 сўмдан 788 412 сўмгача, тажриба орттирувчи тадқиқотчининг маоши эса 231 492 сўмдан 622 340 сўмга оширилди.

Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига 2012 йил 1 августдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминлаш топширилди.

2012 йил 20 сентябрдан кучга кирди.

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИ ХОДИМГА 5 КУНГА БЕРИШ МУМКИН

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи билан меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди *(АВ томонидан 21.08.2012 йилда 402-7-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*. Унга кўра ходимнинг ёзма равишдаги илтимосномасига кўра, қайтариб бериш шарти билан меҳнат дафтарчаси унинг эгасига 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатга бериладиган бўлди. Бу даврда мазкур Йўриқномада белгилангандан ўзгача тартибда меҳнат дафтарчасига қўшимча ёзувлар киритиш, уни ўзгартириш, гаровга бериш ёки йўқ қилиш қатъиян ман этилади ва барча жавобгарлик ходимнинг зиммасига юклатилади.

Олдин зарур ҳолларда иш берувчи ходимларнинг илтимосига биноан меҳнат дафтарчасидан иши тўғрисидаги маълумотларнинг кўчирмасини ёзиб, тасдиқлаб берар эди.

2012 йил 1 октябрдан кучга киради.

Ҳужжатларга қисқача шарҳларни таҳририят экспертлари тайёрладилар.

NORMA
www.norma.uz

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 38 (375) • 2012 йил 25 сентябрь

СУДЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ЖОНЛАНГАН

ЁКИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Миллий давлатчилигимиз асослари тобора шаклланиб бораётган ҳозирги пайтда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда ушбу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар билан тадбиркорларга нисбатан имтиёзлар белгиланган. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида улар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилди.

Соҳага оид қонун ҳужжатларини амалиётга тўғри ва бир хилда татбиқ этиш, уларга қатъий риоя қилишнинг ишончли кафолатини таъминлаш соҳа ривожининг яна бир ҳуқуқий воситаси ҳисобланиб, бу борада хўжалик судларининг ўз ўрни бор.

Хўжалик судлари республикамизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига ғов бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига турли аралашувларини камайтириш, улар фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймаслик каби муҳим вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

Хўжалик судларида кўрилаётган ишлар сонининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги тадбиркорларнинг ҳуқуқий савияси юксалаётганлигидан, уларнинг қонун устуворлиги тамойилига ва судларга ишончи тобора ортаётганлигидан далолат беради.

2012 йилнинг I ярмида хўжалик судлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фойдасига 116 млрд сўмлик маблағларни ундириб беришди. Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида шу йили 56 фоиз ишлар бевосита жойларда, яъни сайёр суд мажлисларида кўрилган.

Судьялар ишларни мазмунан кўриш жараёнида низони келтириб чиқариш, тўлов интизоми ва шартномавий мажбуриятларни бузиш, ўзгалар мулкига зарар етказишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан республика Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги ПФ-1938-сон Фармонига мувофиқ суд таъсир чораларини қўллаб келишмоқда.

Фармон асосида шу йилнинг I ярмида қўлланилган жами таъсир чоралари сони 4 мингдан ошган. Шундан айбдор шахсларнинг 321 нафари маъмурий, 1 273 нафари моддий, 1 577 нафари интизомий жавобгарликка тортилган. Ундан ташқари, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида тегишли корхона ва идораларга 900 тага яқин тақдимномалар киритилган ёки хусусий ажримлар чиқарилган.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадида Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон Фармони қабул қилинган.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган фаолиятни тўхтатиб қўйиш, тугатиш, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, лицензияларни 10 кундан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш каби ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали амалга ошириладиган бўлди. Бундай тартибнинг жорий этилиши натижасида турли назорат қилувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорларга нисбатан таъсир чораларининг асоссиз қўлланилиши бартараф этилди.

Фармон қабул қилингунига қадар тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг қарорлари асосида қўлланилган, тадбиркорлик субъектлари эса назорат қилувчи органларнинг бундай қарорларидан норози бўлган тақдирда ушбу қарорларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризалари билан судларга мурожаат қилишган. ПФ-3619-сон Фармон эса назорат қилувчи органлар тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга мурожаат қилишлари кераклигини белгилаб берди. Ушбу ҳол давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари олдидаги масъуллиги ҳамда жавобгарлигини оширишга туртки бўлмоқда. Энг муҳими, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш масаласи судда ошкора, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва тортишуви тамойили асосида ҳал этилмоқда. Қолаверса, хўжалик судларида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда бундай чораларни қўллаш учун асос бўлувчи ҳолатларни исботлаш мажбурияти назорат қилувчи орган зиммасига юклатилган.

2011 йилнинг дастлабки олти ойида хўжалик судларида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид 5,4 мингга яқин аризалар кўриб чиқилган бўлса, 2012 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 3,2 мингта бўлган.

Назорат қилувчи органлар вакиллари томонидан текшириш қоидаларига риоя қилиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, судга тақдим этиш ва суд мажлисида иштирок этишда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилишига йўл қўйганлик ҳолати бўйича уларга нисбатан жорий йилнинг I ярмида 143 та суд таъсир чоралари қўлланилган. Ундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан чиқарган 162 та ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлганлиги боис ҳақиқий эмас деб топилиб, нафар айбдор мансабдор шахсга нисбатан хусусий ажримлар чиқарилган.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ушбу фаолият субъектларининг қонун олдидаги тенглигини таъминлаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳада йўл қўйилаётган ҳар бир қонунбузарлик ҳолатларига қатъий чек қўйиш, ғов ва тўсиқларни бартараф этиш юртимизда тадбиркорлик, ишбилармонликнинг ривожига, унинг янада мустаҳкамланишига, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишига замин яратади.

Шаҳриёр БАКАЕВ
Олий хўжалик суди катта маслаҳатчиси.

Реклама

"AMIR-AUDIT" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказади

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз
Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

058-09

Реклама

МУЗЛАТКИЧ ВА САВДО УСКУНАЛАРИ

AZN TECHNO

154-12

ISO халқаро стандартларига мос равишда ишлаб чиқарилган

Тошкент ш., Боғишамол кўч., 160
Тел.: (+998 71) 234-34-75, 234-12-69
235-11-30, 216-09-00, 217-09-57

WWW.AZN.UZ
E-mail: azn@azn.uz
маҳсулот сертификатланган

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, (+99890) 346-16-89.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. (+99890) 346-16-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел. (+998 90) 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Инвентаризация. Бухгалтерия ҳисоби. Кузатув. Таъсисчилар. Кўчмас мулк. Очиш. Тугатиш.
Тел. 806-28-46; факс 278-11-66.
E-mail: 49koshelev@mail.ru

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топшириладиган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш, созлаш.
Тел. 963-89-58.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР *1-бет*
✓ СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ *2-бет*
✓ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
– "Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида".

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари:
– "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида" 2010 йил 30 мартдаги ПФ-4210-сонли Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида";
– "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида".

Идоравий-меъёрий ҳужжат
– ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, МАИМҚВнинг "Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.
Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2012 йил 3 сентябрдан 7 сентябргача бўлган маълумот. *3–4-бетлар*
✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ *5-бет*
✓ НАЗОРАТ *6-7-бетлар*
✓ БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ *8-бет*

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

– "Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида".

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ:**

– "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида" 2010 йил 30 мартдаги ПФ-4210-сонли Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида";

– "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида".

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ**

– ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, МАИМҚВнинг "Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

● **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 3 СЕНТЯБРДАН 7 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА АРАЛАШГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 12 июлда қабул қилинган.
Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланган.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 37-сон, 423-модда)

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N 9, 144-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда, N 9-10, 165-модда; 2002 йил, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 9, 314-модда, N 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, N 6, 261-модда, N 12, 656-модда; 2007 йил, N 4, 158, 166-моддалар, N 6, 248-модда, N 9, 416, 422-моддалар, N 12, 607-модда; 2008 йил, N 4, 187, 188, 189-моддалар, N 7, 352-модда, N 9, 485, 487, 488-моддалар, N 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, N 1, 1-модда, N 4, 128-модда, N 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, N 12, 470-модда; 2010 йил, N 5, 176, 179-моддалар, N 9, 341-модда, N 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, N 1, 1-модда; 2012 йил, N 4, 108-модда) қуйидаги мазмундаги 206[1]-модда билан тўлдирилсин:

«206[1] модда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлар берилмаган мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) текширишлар ўтказиш, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда бундай шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилиб олиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 9, 193-модда, N 12, 269-модда; 1996 йил, N 5-6, 69-модда, N 9, 144-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 4-5, 126-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 3, 38-модда, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда, N 7-8, 217-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда, N 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, N 1, 20-модда, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда,

[1]*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 12 сентябрдаги 179 (5599)-сонида эълон қилинган.*

N 5, 67-модда, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 5, 90-модда, N 9, 171-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 9, 312-модда, N 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, N 6, 261-модда, N 9, 498-модда, N 10, 536-модда, N 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, N 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, N 9, 416, 421-моддалар, N 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, N 4, 181, 189, 192-моддалар, N 9, 486, 488-моддалар, N 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, N 1, 1-модда, N 9, 334, 335, 337-моддалар, N 10, 380-модда, N 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, N 5, 175, 179-моддалар, N 6, 231-модда, N 9, 335, 339, 341-моддалар, N 10, 380-модда, N 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, N 1, 1-модда, N 4, 104, 105-моддалар, N 9, 247, 252-моддалар, N 12/2, 365-модда; 2012 йил, N 4, 108-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги 241^2-модда билан тўлдирилсин:

«241^2-модда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлар берилмаган мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) текширишлар ўтказиш, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда бундай шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилиб олиш, -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «241-1» рақамидан кейин «241-2» рақами билан тўлдирилсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2012 йил 11 сентябрь
ЎРҚ-333-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ХАЛҚ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА» 2010 ЙИЛ 30 МАРТДАГИ ПФ-4210-СОНЛИ ФАРМОНИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 37-сон, 425-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сонли Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2010 йил 30 мартдаги ПФ-4210-сонли Фармонининг 1-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 28 мартдаги ПФ-3588-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ оилавий корхоналар халқ бадиий ҳунармандчилиги ва қўлда ишланган амалий санъат буюмларини сотишдан олинадиган даромаддан 2014 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилсин».

2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2012 йил 6 сентябрь
ПФ-4469-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ЭКСПОРТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» 1997 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДАГИ ПФ-1871-СОНЛИ ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 37-сон, 426-модда)

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти товар номенклатураси (2012 йилги версия) қабул қилиниши муносабати билан:

1. 2012 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармонига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2012 йил 10 сентябрь
ПФ-4470-сон.

ЎзР Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги ПФ-4470-сонли Фармонига ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ЭКСПОРТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» 1997 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДАГИ ПФ-1871-СОНЛИ ФАРМОНИГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИШЛАР

1. 1-илованинг иккинчи қатори қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

№ 38 (375) • 2012 йил 25 сентябрь

2.	Қимматбаҳо металлар, қотишмалар, улардан тайёрланган буюмлар; рудалар, концентратлар парчалари ва чиқиндилари; қимматбаҳо табиий тошлар ҳамда улардан тайёрланган буюмлар; қимматбаҳо табиий тошларнинг чиқиндилари, кукунлари ва рекуператорлари; марварид ва улардан тайёрланган буюмлар, қаҳрабо ва улардан тайёрланган буюмлар	2843, 3006 400 00 0 (фақат қимматбаҳо металлардан), 7106 – 7115, 7118 (фақат қимматбаҳо металлардан), 9003 19 000 1, 9021 21 900 0 (фақат қимматбаҳо металлардан), 9101, 9111 10 000 0, 9113 10, 9608 10 920 0 ва 960810 990 0 (фақат қимматбаҳо металлардан), 9608 30 000 0 (фақат қимматбаҳо металлардан), 9705 00 000 0 (фақат қимматбаҳо металлардан тайёрланган тангалар), 7116 (фақат марваридлар ва табиий қимматбаҳо тошлардан), 9602 00 000 0 (фақат ишлов берилган қаҳрабо ва ундан тайёрланган буюмлар)

2. 2-илованинг тўртинчи қатори қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4.	Хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари	2709 00, 2710 (2710 12 410 0 – 2710 12 590 0, 2710 19 290 0 бундан мустасно)

3. 4-илованинг бешинчи қатори қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

5.	Гўшт маҳсулотлари, уй паррандаси гўшти маҳсулотлари*	0201 – 0210 (0207 53 000 бундан мустасно) 0207 53 000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗГАНЛИК УЧУН МЕҲНАТГА СОАТБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ МИҚДОРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилган. Рўйхат рақами 2386.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 35-сон, 406-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 28-сон, 308-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2011 йил 26 декабрдаги 518, 37 ва 81-ҚҚ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2311, 2012 йил 9 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 2-сон, 21-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

****2012 йил 8 сентябрдан кучга кирди.***

Олий ва ўрта махсус таълим вазири
Б.ХОДИЕВ.
8-сон

Халқ таълими вазири
Т.ШИРИНОВ.
32-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири
А.ХАИТОВ.
46-ҚҚ-сон

Тошкент ш., 2012 йил 16 август.

ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, МАИМҚВнинг 2012 йил 16 августдаги 8, 32 ва 46-ҚҚ-сон қарорига ИЛОВА

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗГАНЛИК УЧУН МЕҲНАТГА СОАТБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ МИҚДОРЛАРИ

1. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва илмий тадқиқот муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида, шунингдек ўқув курсларида ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари

Т/р	*Контингент*	*Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар*	*Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)*
1.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари	профессор, фан доктори	15 203,9
		доцент, фан номзоди	8 916,8
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	6 117,0
2.	Олий таълим муассасалари талабалари	профессор, фан доктори	17 375,8
		доцент, фан номзоди	10 974,6
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар	7 951,9
3.	Стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар, раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича таълим муассасалари (курслари) тингловчилари	профессор, фан доктори	20 996,1
		доцент, фан номзоди	14 404,0
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар	11 622,2
4.	Курслар тингловчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти талаб этиладиган лавозимларни эгаллаб турган ишчилар, ходимлар	профессор, фан доктори	11 857,3
		доцент, фан номзоди	6 902,2
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	4 655,5

2. Умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари

T/p	*Лавозимлар номи*	*Малака тоифаси*	*Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)*
1.	Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири	олий малака тоифали	5 971,8
		биринчи малака тоифали	5 629,0
		иккинчи малака тоифали	5 271,1
		олий маълумотли	4 922,2
		ўрта махсус маълумотли	4 601,0
2.	Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси	олий малака тоифали	4 947,8
		биринчи малака тоифали	4 487,1
		иккинчи малака тоифали	4 202,4
		олий маълумотли	3 925,3
		ўрта махсус маълумотли	3 672,5

**Илмий даражага эга бўлмаган, мутахассислик фанлари бўйича машғулот ўтказиш учун жалб қилинадиган шахслар.*

Изоҳ:

1. Соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фоизга оширилади.

3. Конкурс ва танловлар жюрилари аъзолари, шунингдек конкурс ишлари тақризчилари меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун тўланадиган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

4. Таълим муассасаларида соатбай ҳақ тўлаш асосида ўқув машғулотларини ўтказиш учун шахсларни жалб қилиш, фақат муайян муассаса штатидаги ўқитувчилар таркиби томонидан ўтказилмайдиган ўқув машғулотлари ва фанлари учун кўзда тутилади. Ўқув машғулотларини соатбай ҳақ тўлаш асосида олиб борганлик учун ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасининг ҳисоб-китоблар ёйилмасида алоҳида қатор билан ажратилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.

5. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган.

3. Мазкур ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 3 СЕНТЯБРДАН 7 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «1996 йил учун капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун ҳисобланган акциз солиғи қийматининг бир қисмини «Ўзбекнефтгаз» МК корхоналари тасарруфида қолдиришнинг Вақтинчалик тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2012 йил 30 августдаги 2012-25, 64-сонли қарори.*

2012 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 250-1 (2012 йил 15 сентябрдан кучга кирди).

2. «Қимматли қоғозлар бўйича ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тўғрисидаги низомни, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2012 йил 24 августдаги 2012-18-сонли буйруғи.*

2012 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 710-3 (2012 йил 15 сентябрдан кучга кирди).

3. «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровни қўллаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 7 августдаги 01-02/8-17-сонли қарори.*

2012 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 757-1 (2012 йил 15 сентябрдан кучга кирди).

4. «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 23 августдаги 61-сонли буйруғи.*

2012 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-1 (2012 йил 15 сентябрдан кучга кирди).

5. «Корхоналар ва ташкилотлар векселларини чиқариш ва муомала қилиш вақтинчалик тартиби ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 18 августдаги 24/4-сонли қарори.*

2012 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 149-2 (2012 йил 17 сентябрдан кучга кирди).

6. «Банкларнинг оддий вексели чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари ҳамда унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 18 августдаги 24/3-сонли қарори.*

2012 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 554-2 (2012 йил 17 сентябрдан кучга кирди).

7. «Дарё транспортини техник ишлатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2012 йил 8 августдаги 142-сонли буйруғи.*

2012 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 990-2 (2012 йил 17 сентябрдан кучга кирди).

БЎШАТИЛГАН ХОДИМ ЯНГИ ШАРТЛАРДА ИШГА ТИКЛАНСА

2011 йил октябрида компаниямизнинг юрист лавозимида ишлайдиган ходими бир марта қўпол ҳуқуқбузарлиги учун МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига биноан ишдан бўшатилди. 2011 йил декабрида ушбу лавозимга янги ходим қабул қилинди, 2012 йил январда эса собиқ юрист уни ишга тиклашлари тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилди. Суднинг 2012 йил февралдаги ҳал қилув қарори билан собиқ юрист ўз лавозимига тикланди. 2012 йил январи охирида компания раҳбари компаниянинг ташкилий таркибига ўзгартиришлар киритди: юридик департамент ташкил этди ва янги штат бирлиги – юридик департамент бошлиғи лавозимини жорий этди. Ишдан бўшатилган юрист янги ходим эгаллаган лавозимга тикланди, у эса юридик департамент бошлиғи лавозимига ўтказилди. Ишга тикланган ходим билан меҳнат шартномасида иш жойи (корхона ёки унинг бўлинмаси) белгиланмаганлиги боис компания раҳбарияти ишга тикланган ходимни компаниянинг тузилиши ўзгарганлиги тўғрисида огоҳлантиришни зарур деб ҳисобламади. Ҳозирда ҳам ишга тикланган ходим ишга чиқмаяпти, бунда у раҳбарият уни меҳнат шартлари ўзгариши тўғрисида 2 ой олдин огоҳлантирмаганлигини важ қилиб кўрсатяпти ва иш берувчидан ишга тиклаш пайтидан, яъни 2012 йил февралидан бошлаб ҳозирги кунгача мажбурий прогул вақти учун иш ҳақини тўлашни талаб қиляпти.

Агар Меҳнат кодексининг 88-моддаси билан белгиланган омиллари ўзгармаган, яъни ушбу ўзгартиришлар меҳнат ҳақи миқдори ва ҳоказоларга тааллуқли бўлмаган бўлса, юрист лавозими ўрнига юридик департаментнинг ташкил этилиши меҳнат шартларини ўзгартириш ҳисобланадими?

З.Матёқубова,
ЁАЖнинг кадрлар бўйича инспектори.

– Ҳа, сизнинг ҳолатингизда юрист лавозимига тикланган ходимнинг меҳнат шартлари ўзгаради. Юридик департаментни ташкил этиб, сиз унинг меҳнат фаолиятини алоҳида эмас, балки департамент бошлиғига бўйсунган ҳолда олиб боришни режалаштиряпсиз.

Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш ўзгарганлиги оқибатида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартлари ўзгариляпти, демак айни у **ходимни ишга тикланганидан кейин** меҳнат шартлари ўзгартирилиши тўғрисида **камида 2 ой олдин ёзма равишда, тилхат олган ҳолда огоҳлантириши шарт.** Кўрсатилган муддатни қисқартиришга ушбу ҳолда фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади *(Меҳнат кодекси 89-моддасининг учинчи қисми, бундан кейин – МК)*.

Одатда аввалги ишга тикланиши билан ходим қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади *(МКнинг 111, 112-моддалари)*:

а) мазкур иш берувчи қўлида меҳнат шартномаси бекор қилинишига қадар амал қилган аввалги шартларда ишлаш;

б) иш ҳақини у билан меҳнат муносабатлари бекор қилингунига қадар амал қилган меҳнат шартномаси ва қоидаларга кўра олиш;

в) мажбурий прогул вақти учун албатта ҳақ тўланиши.

Яъни ходимни ишда тиклаш деганда унга меҳнат муносабатлари бекор қилинишига қадар амал қилган барча шартларни сақлаган ҳолда амалда ишни тақдим этишни тушуниш лозим.

Бироқ шуни ҳисобга олиш лозимки, иш берувчи меҳнат жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни таъминлашга масъул субъект сифатида ташкилотнинг тузилиши, штат жадвали, ходимларнинг миқдорий таркибини ўзгартириш билан боғлиқ қарорларни мустақил равишда қабул қилишга ҳақли (таъсис ҳужжатларига биноан). Сизнинг мисолингизда меҳнат шартномасининг тарафлар белгилаган муҳим шартларини иш берувчининг ташаббуси билан, ходим меҳнат функциясини ўзгартирмасдан туриб ишни давом эттирган ҳолда ўзгартиришга йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни ўзгартириш (таркибий қайта ташкил этиш) натижасида янги бўлимлар таъсис этилиши мумкин, баъзи ходимлар бошқа ишларга ўтказилади, баъзиларининг лавозим номи, меҳнат ҳақи, шунингдек бўйсуниш таркиби ўзгаради, бунинг натижасида меҳнат шартлари ўзгаради.

Бироқ ишга чиқмасдан ва иш берувчининг якуний қарорини билмасдан, юрист меҳнат интизомини бузяпти. Шу сабабли сиз у билан меҳнат шартномаси янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли, бунда ходимга қонунчиликда белгиланган шартларда ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланган ҳолда бекор қилиниши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган хат юборишингиз лозим *(МК 89-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари)*.

Ходим янги қарорга рози бўлган тақдирда лозим даражада:

янги штат жадвалини тасдиқлаш;

ходимнинг меҳнат шартномасига қўшимча келишувни имзолаш;

ишга тикланган ходимни янги (илгари мавжуд бўлмаган) таркибий бўлинмага ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқариш керак бўлади *(МКнинг 96-моддаси)*.

ҲАМ ЎҚИШ, ҲАМ ИШЛАШ МУМКИНМИ?

Корхона ходими олий ўқув юртига ўқишга кирди, бироқ ўқиш билан бир вақтда ўзининг меҳнат фаолиятини давом эттириш ниятида. Корхона қуйида келтирилган чизма бўйича махсус тасдиқланган жадвал асосида ходимга олий ўқув юртида ўқиш ва ишлаш учун шарт-шароитлар яратиш ҳуқуқига эгами: олий ўқув юртида машғулотларнинг тугаши – 15.35, иш жадвали: душанбадан шанбагача – 17.00 дан 22.00 гача, якшанбада – 8.00 дан 19.00 гача?

Р.Қосимов.

– Меҳнат қонунчилигида иш билан кундузги шаклдаги ўқишни бирга олиб бориш тақиқланмаган.

Олий таълим муассасаларида кундузги ўқиш шаклида таҳсил оладиган талабалар ўқишни иш билан бирга олиб боришлари мумкин. Бунда иш ўқишдан бўш вақтда меҳнат шартномаси шартларида бажарилади.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин *(МК 119-моддасининг биринчи қисми)*.



Тўлиқсиз иш вақтидан ташқари ходимга, агар бу ўқув жараёнига халақит бермаса, иш вақтининг мослашувчан режими ҳам белгиланиши мумкин. Бунда кундалик иш (смена) қанча давом этиши, ишнинг бошланиш ёки тугаш вақти тарафларнинг келишуви билан белгиланади *(МК 120-моддасининг биринчи қисми)*. Иш берувчи тегишли ҳисобга олиш даврлари (иш куни, ҳафтаси, ойи, йили) мобайнида, башарти иш вақтининг қанча давом этиши иш соатларининг меъёрий сонидан ошмаса, иш соатлари жамлама сонининг ходим томонидан ишлаб берилишини таъминлайди *(МК 123-моддасининг биринчи қисми)*.

Шу тариқа, **агар талабанинг иш режими бошқа ходимларнинг иш режимидан фарқ қилса, бу албатта меҳнат шартномасида акс эттирилиши керак** *(МК 73-моддасининг иккинчи қисми)*.

